

# Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган \* 2013 йил 14 август. Чоршанба №69 (931) \* www.mahallagzt.uz \* info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ОШКОРАЛИК, МУҚОБИЛЛИК ВА ТЕНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг муҳим тамойилдир

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнида сайлов тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.**

Зеро, айнан сайловлар орқали фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишларига оид конституциявий ҳуқуқлари рўйбога чиқади.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида билдирилган гоёлар асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳриридаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуни миллий аънава ва урф-одатларимизни ўзида мужассамлаган маҳалла институтини демократия дархонасига айлантириш муҳим аҳамият касб этади. Зотан, маҳалланинг ҳуқуқий ваколатлари орқиси унинг демократик қаърият ва тамойиллар қарор тошган мўтабаб маскан сифатида шаклланишига имкон беради.

Мазкур Қонуннинг мақсади шаҳарлардаги, қишлоқлардаги, овулардаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Ушбу Қонун фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, унда раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимига катта ҳаётий таърибага эга, аҳолининг ҳурмат ва ишончига сазовор бўлган энг муносиб фуқароларнинг сайланишини таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқларини рўйбога чиқаришда очиқлик ҳамда ошкораликни оширишни назарда тутадиган қўйидаги асосий нормалар ўз аксини топади.

> [2]

ҚОНУН МОҲИЯТИ

## МАСЛАҲАТ МАРКАЗЛАРИ ТАДБИРКОРГА КЎМАК БЕРАДИ

Юртимизда тадбиркорлик ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, йиллар давомида шаклланган урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттиради.

Шу боис жойларда, ҳатто чекка қишлоқларда тадбиркорлик юритиш соҳасида кўп асрлик аънаваларга асосланган ва мустақиллигимиз шарафати билан етарли ҳуқуқий меъёрга эга тизим шаклланди.

Янги таҳриридаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни айтиш тадбиркорлик салоҳиятини оширишга имкон берадиган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлайдиган муҳим ҳуқуқий асослардан.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти-

нинг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, шундай дейилади: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш мақсада мувофиқдир. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруш органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидagi вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим».

> [2]

ТАРАДУД

## ЭЗГУ АМАЛ ҚАДРИЯТЛАРГА УЙГУНЛАШГАН



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Давлатимиз мустақиллиги қўлга киритилган буюк сана — энг улуг, энг азиз байраимимизни муносиб қаршилаш учун республикамизнинг барча маҳаллаларида тайёргарлик авжида.

Қутлуг айёмни юқори савида ўтказишда Президентимизнинг 2013 йил 12 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма икки йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилаётди.

Пойтахтимизнинг Яқкасарой туманидаги «Тўқимачи» маҳалла фуқаролар йиғинида тўрт мингта яқин аҳоли истиқоқлик қилади. Кўпмиллатли аҳил оилани эслатувчи маҳаллада умумхалқ байрамлари, турли элатларнинг миллий айёмларини барча бирдек уюш-тириш қилади. Ҳар бир кишиликда ўтказилади. Айниқса, ушбу тадбирларда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиш ўзига хос аънавага айланган. Айни пайтда ҳам тўқимачиликлар мустақиллигимизнинг 22 йиллик

санасини кўнгилдагидек ўтказиш учун ушбу эзгу аънавани давом эттириш, худуд ободлиги ва осойишталигини таъминлашга сидқидидан бел боғлашган.

— Тинч-осойишта ҳаётимиз, обод турмушимиз, фарзандларимизнинг бахтли келажagini белгилаб берган энг азиз неъмат — Мустақиллик байрамини кўтаринки кайфиятда кутиб олиш ҳар биримизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди, — дейди «Тўқимачи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Муинов. — Байрамни мазмуни, осойишта ва аҳиллик билан ўтказишда огоҳлик ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир. Янги таҳриридаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда йиғин раисининг ваколатлари янада кенгайтирилган. 14-моддада белгиланишича, йиғин раис тегишли худудда байрам

кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказишнинг ташкили қилади. Ушбу вазифани бекаму кўст адо этишда маҳалламиз аҳли, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, профилактика инспектори ва «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси ҳамкорлигида тайёргарлик ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдамиз.

Худуддаги 14 та кўча бугун байрамона қиёфада. 26 та кўпқаватли уйда истиқомат қиладиган икки минг олти юз нафар, ҳовлими хондонлардаги бир минг тўрт юз нафар аҳоли маҳалла раисининг хайрли ташаббусларини доим қўллаб-қувватлайди. Маҳалла худудидagi мактаб, академик лицей ҳамда учта мактабга таълим муассасасида осойишталикни таъминлаш, ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чора-

тадбирлари олиб борилаётди. Байрамона тадбирларидан яна бири — худуддаги ҳар бир кўча, ҳар бир кўпқаватли уйда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида навбатчилик посбонлари жорий этилган. Ҳар кунни рўйхат бўйича навбатчиликнинг амалга оширилишида ҳам маҳалла аҳли ҳамжиҳатликда савий-ҳаракат қилишмоқда.

Тинч-тотув ва обод юртда байрамлар файзли ўтади. Байрам шодоналарини қавму қариндошлар, дўсту биродарлар билан нишонлаш халқимизга хос фазилат.

Бир сўз билан айтганда, «Тўқимачи»да айёмни юқори савидада ўтказиш учун қўрилаган чора-тадбирлар, халқимизга хос қадриятлар билан уйғунлашган эзгу амаллар истиқлолимизнинг йилгирма икки йиллик тантаналарини муносиб қаршилашга қаратилгандир.

Зебинисо ҲАЙИТОВА.

> [4]

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

## ЯШИЛ МАЙДОНЛАРДА ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ СИНОВИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақалари болалар ва ўсмирлар футболни янада ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва улар орасидан истеъоддиларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида футболни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганда. Миллионлар ўйини тараққийини жадаллаштиришга қаратилган фармон ва қарорларга асосан мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарларида за-

монавий стадионлар барпо этилмоқда. Футбол мактаблари ва академияларнинг модий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг куламли чора-тадбирлар амалга ошириляётди. Маҳалла ёшлари ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» кубоги мусобақалари ҳам Давлати-

миз раҳбари томонидан соҳа ривожига қаратилган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкиллаштирилган ушбу турнир маҳаллаларда футболни оммалаштиришда муҳим омили бўляпти. Пойтахтимизнинг Яқкасарой туманидаги «Кўшбеги» маҳалла фуқаролар йиғинининг ёш чарм тўп усталааридан тузилган жамоа ҳам «Футболимиз келажаги»нинг кашфиётларидан.



ЮРТИНГ ОБОД

ДИЛИНГ ОБОД

КАШКАДАРЕ ВИЛОЯТИ

Истиқлол йилларида эришилаётган ютқларимизнинг ёрқин ифодасини Деҳқонobod тумани мисолида яққол кўриш мумкин. Хусусан, Тошгузар — Бойсун — Қумжўрган темир йўлининг қурилиши натижасида худудда кўплаб замонавий ишоотлар, янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари, йилрик совдо мажмуалари бунёд этилмоқда.

Йилига 200 минг тонна маҳсулот тайёрлайдиган Деҳқонobod қанчилий ўйитлар заводи ишга тушган, 1 минг 500 нафар киши доимий меҳнатга жалб этилди. Энг муҳими, тоғлар бағрида текис, раван йўллар қурилади. Йўллар атрофида бири-биридан чиройли совдо мажмуалари ишга тушди.

Халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ушбу эзгу ишларда тадбиркорларимизнинг фаол иштироки эътиборни қувонarli ҳол. «Бешбулок» маҳалла фуқаролар йиғини худудда Абдурахмон Оромов томонидан қурилган «Иссиқ нон» чеки фаолиятини бошлади. Абдусалом Қўлмонов раҳбарлигида эса гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган цех ташкил этилди.

Жамол Нуриллаев ишт ишлаб чиқарадиган корхонани ишга тушириб, 20 та янги иш ўрни яратди. Меҳмонхона ва ресторонолар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, бу худудда кўркам шаҳарча пайдо бўлди. Бирикрасан қишлоқ фуқаролар йиғинида бир йўла 3 та корхона ишга туширилди.

Қандолатчилик маҳсулотлари, печенье ишлаб чиқарадиган цехлар қурилиб, ўз фаолиятини бошлади. Уларга Хитойдан келтирилган энг замонавий ускуналар ўрнатилди. Электр энергиясини тежайдиган замонавий лампаларни ишлаб чиқарадиган кичик корхона маҳсулотлари бугун харидорчилиги билан нафақат вилоятимиз, балки республикамизда ҳам машҳур. Ушбу корхонада 20 нафардан зиёд киши меҳнат қияпти.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига кўра, маҳаллапаримизнинг 14,2 километрик ички йўллари таъмирланди. «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини учун «Шўртангазким» мажмуаси томонидан маҳалла гузари қуриб берилди. Айни пайтда бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Унда маҳалла идораси, сартарошхона, тикув чеки, оталар чойхонаси ва турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган зал мавжуд.

Шунингдек, Бешсорбoғ қишлоқ фуқаролар йиғинида 240 ўринли замонавий мактаб қуриб битказилди. Туман марказидаги Мирзо Турсунзода номли маҳалла фуқаролар йиғини худудида мусика мактаби қуриляпти. Ҳомийлар ёрдамида 4 та маҳалла фуқаролар йиғинида спорт майдончалари қуриш режалаштирилиб, айни вақтда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Мухтасар айтганда, энг улуг, энг азиз байраимимиз арафасида туманимиз янада чирой очмоқда, халқимизга хос бўлган бунёдкорлик иштиғи ёрқинроқ буй кўрсатаётди.

Санжар МУСАЕВ,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди  
Деҳқонobod тумани бўлимаси раиси.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

## Мукофот интилиш ва изланишлар самарасидир

Икки кўшни — Фотима ва Насиба опа арзимаган гап учун аразлашиб қолишди. Қарийб уч ойки, салом-алик йўқ, маҳалладаги тўй ва маъракаларда учрашиб қолишса, бир-бирларига қовоқ-тумшук осилади.

Одатдаги иш кунларининг бирида фуқаролар йиғини раиси Равшан Хусанов кўчабоши орқали бундан хабар топиб, масалани ўрганишни йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Урозгул Маматовага топширди.

Урозгул Маматова анча вақтдан буюн Боевўт туманидаги «Қароғач» маҳалласида мазкур вазифада ишлайди. Айни пайтда фуқаролар йиғинидаги Яраштириш комиссиясининг аъзоси. Бу борада у бой таъриба тўплаган. Аҳоли, айнаикса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этади.

> [3]

# ОШКОРАЛИК, МУҚОБИЛЛИК ВА ТЕНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ

## фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг муқим тамойилдир



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойиллари асосида амалга оширилиши белгилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур Қонуннинг аввалиги таҳририда сайлов ўтказишнинг асосий тамойиллари қаторида муқобиллик тамойили мустаҳкамланмаган эди. Ушбу тамойилнинг янги таҳририда қонунда мустаҳкамлаштириш, ўз навбатида, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига икки ва ундан кўп номзод кўрсатган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилди.

Қонунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш мuddатларини белгилаш масалаларига аниқлик киритилган. Унда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш мuddатлари сайлов бошланишидан камида икки ой

олдин Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланишига оид нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши томонидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш даврига тузилиши белгиланган.

Мазкур комиссияга фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонун ҳужжатларига тула мувофиқ ҳолда ўтказиш; фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш; комиссиялар сайловини самарали ўтказишни учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжат-

лар билан таъминланишини назорат қилиш; фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш; фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ўтказиш масалалари бўйича фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш; сайлов ахбороти тўғрисида тегишли комиссиялар томонидан тақдим этилган ахборотни умумлаштириш ва кўриб чиқиш, бу ахборотни кенг жамоатчилик эътиборига етказиш каби ваколатлар юклатилган.

Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ ўтказиш ваколат доиралари янада кенгайтирилган. Хусусан, ишчи гуруҳ доиралар, улар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллар-

даги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини уюштириш ва йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш ҳамда фуқароларнинг сайланган вакиллари ҳақидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда аҳолининг умумий йиғилиши баённомасини тузиш каби ваколатларга ҳам эга бўлди.

Қонунга киритилган навбатдаги янгилек фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш масаласи билан боғлиқдир. Унга қўра, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилиши, ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга доир ҳужжатларини тайёрлаши ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегишли комиссияга сайловдан камида ўн кун олдин тақдим этилиши, ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ўз номзоди кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилиниши, туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиши ва уларнинг ушбу номзодлар бўйича асосланган ҳулоасаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга топшириш учун тегишли комиссияга юбатилиши, ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг ҳулоасасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишилган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини раиси билан ва гузарларга осиб қўйиши назарда тутилган.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қонун тартиқасида, олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат ношжорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳужалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши кераклиги мустаҳкамланган. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судданга ҳолати тугалланган ёки судданга олиб ташланмаган шахслар, шунингдек, суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмаслигига оид масалалар ҳам ўз аксини топди.

Бир сўз билан айтганда, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда қабул қилиниши мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий қадам бўлди. Демак, мазкур қонун фуқаролар йиғинлари раис сифатида эл орасида обрў-эътиборни кийишларини сайланишига хизмат қилади.

Жавдат ИНОГОМОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси

# ҚОНУН МОҲИЯТИ МАСЛАҲАТ МАРКАЗЛАРИ ТАДБИРКОРГА КЎМАК БЕРАДИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Шу боис «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳририга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг асосий қисми айнан мазкур уч йўналишдаги вазифаларнинг ечимига, жумладан, маҳалла хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятга моликдир.

Шу ўринда мазкур ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятига кенроқ тўхталиб ўтсак.

Аввало янги таҳририда қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролар йиғинлари раислиги ҳудудда тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклаштириш бўйича қўшимча ваколатлар берилди.

Шу билан бирга, берилган ваколатларнинг ижро механизми билан бири сифатида қонунга «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклаштириш» деб номланган янги 17-модда киритилди.

Мазкур моддага асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклаштириш мақсадида Маслаҳат марказлари ташкил этишга ҳақли.

Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилмоқчи бўлган тегишли ҳудудда яшовчилар, жумладан, хотин-қизлар, ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун қисқа мuddатли курслар ташкил этиб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун мавжуд имтиёзлар ҳақида маълумотлар беради ва уларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда ҳар томонлама кўмаклашади.

Жумладан, бизнес йўналишини ташкил, ички ва ташқи бозорда қандай маълумотлар ва хизматлар учун эҳтиёжлар мавжудлиги

ни аниқлаш, мазкур бизнеснинг ҳудудий аҳамияти ва келгуси истиқболларини урганиш, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш бўйича таъсис ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳақида маълумотлар беради.

Айниқса, қонунда янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларининг солиқ тўловларидаги имтиёзлари, улар фаолиятининг назорат органлари томонидан текширилиши, текшириш жараёнининг даврийлиги ҳақидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилади.

Фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ташкил этиладиган Маслаҳат марказлари юридик шахс ҳисобланмайди ва давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилмайди. Маслаҳат марказларида ташкил этиладиган қисқа мuddатли ўқув курсларида жамоатчилик асосида ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, иқтисодчилар, тажрибали тадбиркорлар ва бошқа малакали мутахассислар фаолият юритадилар.

Маслаҳат марказлари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун маҳаллий ҳокимият ва давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмаклашади.

Маслаҳат марказлари ўз фаолиятини фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар билан, хусусан, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзолари билан яқин ҳамкорликда амалга оширади.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришда, қолаверса, тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар, қафолатлар ва ҳуқуқлар асосида уларнинг эркин фаолият кўрсатилиши ҳамда жадал ривожланишлари учун замин яратишда янги таҳриридаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳим дастурийлаш ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Барчиной МАШАРИПОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

# МАТБУОТ АНЖУМАНИ МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ИСТЕЪМОЛИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

### Овқатланиш инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларидан. Меъёрида ва белгиланган тартибда турли дармондориларга бой таомлар тановул қилиш инсоннинг кун давомидаги фаолиятига қувват беради, саломатлигини мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга истеъмол қилинаётган маҳсулотнинг сифати ва яроқлилик мuddатига ҳам аҳамият бериш лозим. Ақс ҳолда овқатланишдан заҳарланиш ҳолатлари кузатилиб, инсон ҳаёти жиддий хавф остида қолади.

Юртимизда аҳоли саломатлиги, айниқса, ёш болаларга юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида қатор профилактик чора-тадбирлар йўлга қўйилган. Фавқулодда вазиятлар бошқармалари таркибидagi аҳоли ва раҳбарлар тайёрлаш марказларида ҳар йили 30-35 минг нафар турли соҳадagi ишчи-хизматчилар қайта тайёрлашдан ўтказилади. Мазкур жараёнда уларга мутахассислар томонидан озиқ-овқат истеъмолидан заҳарланишнинг олдини олиш йўли-йўриқлари тушунтирилади.

Миллий матбуот марказида Фавқулодда вазиятлар вазирилик томонидан «Давлат ва ҳужалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳмадиниқ қарори ижроси юзасидан «Аҳоли орасида овқатланишдан олмайи заҳарланишнинг олдини олиш тадбирлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Овқатдан заҳарланишнинг асосий сабабларидан бири, маҳсулотларни сақлаш ва ташкил қилишдаги риоя этилмаганлигидир, — дейди Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази овқатланиш гигиенаси бўлими бошлиги Омон Бойқулов. — Нагижада озиқ-овқатларга тушган микроорганизм ўздан индотаксин моддасини ишлаб чиқаради ва у тезда инсон танасига тарқалади. Парранда, гушт, сўт маҳсулотларидан заҳарланиш куп учирайди. Боиси, уларда микроорга-

Баҳодир ҲАЛИМОВ «Mahalla»

# ФОНД КЎМАГИДА Замонавий маҳалла гузари



ЎЗА сурати.

Жиззах туманидаги Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда янги маҳалла гузари ишга туширилди. Шу билан бирга, маҳалла фуқаролар йиғини идорасининг биноси, боллар спорт мажмуаси, боллар майдончаси, маиший хизмат уйи ва бозорча ҳам фойдаланишга топширилди.

Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

# ГИЁҲВАНДЛИК — УМР ЗАВОЛИ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРАФДОРИМИЗ

Хусусан, оилак давомида профилактика инспекторларини жалб этган ҳолда 4350 га яқин маҳалла ва 680 дан ортиқ қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинларида гиёҳвандликнинг оқибатлари мавзусида 7400 дан ортиқ тарғибот ишлари уюштирилди, гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ақс эътиририлган видеолар ҳақида намойиш этилди.

— Ҳозирги кунда ер юзидagi наркотикига айланаётган пула маблағи дунё аҳолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, таълим тизими ва тиббий хизматга сарфлаётган харажатларидан анча кўпчилиги ҳеч кимга сир эмас, — дейди Фонднинг республика бошқаруви бош мутахассиси Абдумурод Азизов. — Ачинарлики, гиёҳвандлик оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат гено-

фондининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Мустақилликнинг илк йилларидан буён мамлакатимизда «заҳри қотил» истеъмолининг олдини олиш, наркотикига урчишига чек қўйиш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимиз раҳнамолигида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни турли салбий таъйирлар ҳамда хавфли оқимлардан ҳимоялаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этаётир. Ушбу амалий ҳаракатлар натижаси ўлароқ, юртимизда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishi билан боғлиқ жиноятлар сонни кескин камайяпти. Наркотик ва гиёҳванд моддалар истеъмоли ҳамда уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш бўйича 4 мингдан зиёд фуқаролар йиғинида «Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» мавзусида икки мингдан ортиқ,

«Гиёҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари» мавзусида 1600 га яқин ва бошқа мавзуларда 1800 дан ортиқ тушунтириш, тарғибот тадбирлари ташкил этилди. 6 минг нафардан ортиқ аҳоли ўртасида, жумладан, гиёҳвандликка чалинган 259 нафар беморнинг оила аъзолари билан 500 га яқин тушунтириш тадбирлари уюштирилди.

Аҳамиятли томони, театр актёрлари, санъаткорлар иштирокида гиёҳвандлик, ОИТС оқибатларини фош этадиган, тарбиявий аҳамиятга молик сайёр саҳна кўринишлари ташкиллаштирилиб, 20 та маҳалла гузари, 1025 та маданият ва истироҳат боғида намойиш этилди.

Маҳалла фаоллари тарғибот ишларини ташкил этишда фидойилик кўрсатинмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги Миробод тумани «Сариқум» маҳалласида ҳам гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган тарғи-

бот ишлари тизими ташкил этилган.

— Аҳоли ўртасида соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш ҳар биримизнинг вазифамиз, — дейди маҳалла раиси Хурсандой Авазова. — Фаёҳвандлик «Гиёҳвандлик — умр заволи» шiori остида маънавий-маърифий тадбирлар, давра сўхбатлари ташкил этиб келяпмиз. Оилаларга кириб, уларнинг аҳоли, турмуш тарзи билан қизиқамиз. Ҳозирча қадар ҳудудимизда гиёҳванд моддаларга ружу қўйганлар йўқдиги ишчимизни тизим ва тартибли олиб борилаётганидан далолат.

Йиғин аъзолари ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқалишининг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратини урнатган. Бу ишларда ота-оналар, таълим муассасалари қаторида кенг омма ҳам жалб этилгани ўз самарасини бер-

моқда. Қолаверса, «Гиёҳванд моддаларсиз соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш» шiori остида маҳалла ёшлари ўртасида турли спорт мусобақаларини ўтказиш анъанаси айланган. Уларда ёшларнинг бўш вақтлари самарали ўтиши билан бирга, ҳудудда соғлом маънавий муҳит барқарорлиги таъминланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Президентимиз раҳнамолигида жамиятимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, навқирон авлод саломатлиги, истиқболга таҳдид соладиган омиларга қарши курашда бор куч ва имкониятларни ишга солишга алоҳида эътибор қаратилаётгани юртимизда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishi билан боғлиқ жиноятлар сонини камайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ «Mahalla»

МАХАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

ТАДБИРКОРЛАР САФИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ



ЎЗА сурати.

Навбахор туманининг Ортиқ Фармонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди кун сайин чирой очмоқда. Кишлоқ кўрмига кўрк кўшиб турган савдо, сервис ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бинолари аҳолининг тўқин ҳаёт кечириётганидан нишона.

Жорий йилнинг ўзида та ана шундай ишшоотнинг 10 янги лойиҳа асосида барпо этилиши режалаштирилган 16 та сн фойдаланишга топширилди. Қолганлари мустақиллиги-

мизнинг йигирма икки йиллик шодиёналари арафасида ўз фаолиятини бошлади.

Маҳалла аҳли орасида тадбиркорлик, хунармандчилик билан шугулланувчилар кўпчилиги ташкил этади. Темирчи, мебелсоз, сандиқсоз усталар ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан

бирга, ёшларга ҳунарларининг сир-асрорларини ургатишгаётгани тадбиркорликнинг аҳоли орасида тобора кенг қулоч ёйишига омил бўлган.

Аҳоли томорқадан унумли фойдаланиш сирларини ҳам пухта ўзлаштиришган. Эликдан ортиқ хонадон иссиқхонадан мўмай даромад олади. Шу йилнинг ўзида яна 4 та оиллада иссиқхона қурилди. Йилнинг фаолларининг бевосита саъй-ҳаракати билан жорий йилда ўз бизнесини йўлга қўйиши учун ўн нафардан зиёд кишига тижорат банкларида кредитлар ажратилишида кўмаклашди.

Мабелсозлик оилавий қорхонасини ташкил этган Санжар Турсуновни нафақат Навбахорда, вилоятда ҳам яхши танишмади.

— Мамакатимизда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилингани биз учун айни мўддао бўлди, — дейди С.Турсунов. — Банқдан кредит олиб, мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга

қўйдик. Ҳозир қорхонамизда 6 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Қолаверса, солиқ ҳамда коммунал тўловларида ҳам имтиёзларга эгамиз. Уратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, аҳолига бежирим ва сифатли меҳмонхона, ошхона ҳамда офис мебеллари етказиб беришимиз.

Жорий йилда 6 нафар коллеж битирувчисининг имтиёзли кредитни қўлга киритиб, тикувчилик, чорвачилик ва паррандчиликни йўлга қўйгани янада қувонарли.

Яқинда маҳалла фаолларининг аҳоли тинчилиги ва фаровонлигини таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш, ободлаштириш ва бунёдкорлик ҳаракатларига муносиб баҳо берилади: «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» ташкилининг туман бошқичида мазкур маҳалла голиб, деб топилди.

Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

МУКОФОТ ИНТИЛИШ ВА ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИДИР

< [1]

Маслаҳатчи фуқаролар йиғини раисининг тоширигини бажаришга киришар экан, ишни кўчабоши, Яраштириш комиссиясининг аъзоси Мурод Маҳкамов билан суҳбатлашишдан бошлади. Иккаласи биргаликда аразлашган қўшниларниқига йўл олишди.

Бир-бирига қовоқ солган қўшиллардан аразнинг моҳияти сўради. Маълум бўлишича, Насиба опанинг ёш, ҳали вояга етмаган қизи Саломат чиқиди солинган челакини йўл четига тўккан. Бунни кўрган Фотиима она қизга танбех бериб, чиқинди қўтига ағдариб кераклигини айтгану урғада даҳанаки жанжал бошланган.

— Хато ўзимдан ўтганини кейин тушундим. Ушанда кайфиятим яхши эмас эди. Фотимани бекорга хафа қилиб қўйганимни сездим. Бироқ Фотиима мендан кичик-ку ўзи гапириб қолса керак, деб қутиб юргандим, — деди Насиба она меҳмонлар олдига ҳижолат бўлиб.

Икки қўшни бир-бирдан узр сўраб, яна иноқлашиб кетди. Бу Боёв туманидаги «Қароқчи» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Яраштириш комиссияси аъзоси Урозул Маматованинг иш фаолиятидан бир лавҳа, холос. Асада маҳаллада кишиларни муроसाга келтирган бундай ибратли ишлар жуда кўп.

Маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги Яраштириш комиссияси таркибиде 12 нафар аъзо фаолият кўрсатмоқда. Фуқаролар йиғини раиси Равшан Ҳусанов комиссиянинг йилга жилдини олдимишга қўйди. Иш режалар, шу асосда ўтказилган йиғилишлар, ўрганишлар, далолатномалар, маълумотлар жамланган каттагина йилга жил комиссиясининг самарали ишлаётганини кўрсатиб турибди. Айниқса, комиссиянинг маҳалладаги намунали оилалар тажрибаларини омаллаштириш, соғлом муҳит барқарорлигини таъминлаш каби йўналишларида Урозул Маматов фаол тарғиботчи ҳисобланади.

— Маҳалламиз ҳудудда 4200 нафардан зиёд аҳоли яшайди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Равшан Ҳусанов. — Уларнинг тинч ва осойишта, тотув-иноқ яшашларида Яраштириш комиссияси аъзоси, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси У.Маматова

нинг ҳиссаси катта. Масалан, унинг саъй-ҳаракати билан ҳудудимизда кам таъминланган оилалар сони бандликни таъминлаш орқали йил бошига нисбатан 15 тага камайтирилди. 6 нафар жазо мuddатини ўтаб қайтган маҳалладошимиз ижтимоий қўнмиқа марказлари орқали ишга жойлаштирилди.

Урозул Маматованинг асли касби ўқитувчи. Узоқ йиллар ҳудуддаги мактабда ёш авлодга таълим-тарбия берган. Шу билан бирга, маҳалла юмушларида ҳам фаолият кўрсатиб, аҳоли ўртасида тарғибот ишларини амалга оширишда, маънавий-маърифий тадбирларда доимо бошқаларга ибрат бўларди. Маана 5 йилдики, унга йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифаси ишониб топширилди. Шу йиллар давомида фидоийлик, ташкилотчилик ва ташаббускорлик фаилатларини намоен этган У.Маматова ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бир неча йилдики «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танлови туман, вилоят бошқичларида фахрли уриналрини қўлга киритди. Қўшни маҳаллалардаги ҳамкасбларига ўз тажрибаларини эринмай ўргатади, ёшларга устозлик қилади.

— Маҳалламизда нотинч оилалар, ичкиликбозликка ружу қўйганлар, вояга етмаганлар уртасида жиноятчилик кўринишлари, маана бир неча йилдики, тулик барҳам тошган, — дейди маслаҳатчи она билан суҳбатда. — Бунинг барчасига тўй ва маъракаларда, катта-кичик йиғинларда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини доимий равишда олиб бораётганимиз, маҳалла фаолларини бу эзгу мақсад йўлида тулик сафарбар этганимиз туфайли эришганимиз. Ана шундай меҳнатларим муқтарам Президентимиз томонидан муносиб баҳолалиб, яқинда «Дўстлик» ордени билан тақдирланганим зиммамдаги масъулиятни янада оширади. Бу мукофот бутун маҳалла фаоллари гайратига яна гайрат қўшиди. Келгусида юксак ишончини оқлаш учун бутун куч ва шижоатини, билиминини ишга соламан.

Тошпўлат ҲАЙИТБОВ «Mahalla»

КЕЛАЖАККА САРМОЯ

Кичик бизнесдаги катта режалар



Бу йил Бекобод туманидаги Агросервис иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини тамомлаган Дурдона Содикова фаолиятини кичик бизнесга йўналтирмоқчи. Булажақ тадбиркорга «Уяс» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари яқиндан кўмаклашмоқда. У банқдан уч миллион сўм кредит олиб, компьютер хизматини йўлга қўйиш ниятида.

Коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда уларнинг истиқболли бизнес режаларини рўёбга келтиришга маҳалла фаоллари баҳоланиб қудрат ёрдамлаштиришти. Натижада аҳоли бандлиги таъминланиб, уясликларнинг турмуш маданияти янада юксалди.

— Маҳалламизда интилувчан ёшлар талайгина, — дейди йиғин раиси Аъзамқул Қурбонов. — Фаоллар банқдан кредит олиш тартиби, унинг имтиёз ва имкониятлари хусусида зарур ҳуқуқий тушунчалар беришаётир. Коллеж битирувчиларининг кичик бизнесга бўлган қизиқишларини инobatга олиб, танловларда иштирок этишига шароит яратилган. Янги таҳрир-

даги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга асосан, маҳалламиз ҳузурда Маслаҳат марказини ташкил этиш ҳаракатидими. Беш нафар хотин-қиз тикувчилик орқали оилавий бизнесини йўлга қўйиб, даромадини оширмоқда.

Дарҳақиқат, маҳаллада шаклланиган ишбилармонлик муҳити Дурдона каби яна беш нафар битирувчи банқдан кредит олиб, чорвачилик билан шугулланиш имконини яратди. Яна ўз нафар коллеж битирувчиси ўз бизнес режалари асосида саргарошхона қуриб, олти нафар ёшни иш билан таъминлади.

Муҳбиримиз.

ЭЪТИРОФ

Сўлим тобора кўркам ва гўзаллашмоқда

Сўлим шаҳарчаси Самарқанд шаҳри марказидан 10-12 километр узоқликда жойлашган. Бу ердаги 3 та маҳаллада 12 мингдан зиёд аҳоли тинч-тотув яшамоқда.

Сўлимдаги ҳар бир оила ҳалол меҳнат, ишбилармонлик туфайли обод ва файзли. Томорқа, бодирчилик, чорвачилик ва парранда боқишининг ҳадисини олган кишилар бутун ишлаб чиқаришни кенгайтириш, кичик қорхоналар барпо этишдек ойдин мақсадларни кузлаб интилишаётир.

Президентимиз олиб бораётган оқилона ва инсонпарвар сийсат туфайли аҳоли турмуши фаровонлашиб, шаҳару кишлоқлар қиёфаси кўркамлашгангани Сўлим шаҳарчаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Истиқлол берган имкониятлардан бири — маҳалла институтига курсатилган эътибор ва қадрдон тузилманинг ваколатлари кенгайётгани, айниқса, биз кексаларни хушнуд этади. Беқиёс таъсир кучига эга масканда илдиз отаётган тадбиркорлик, ишбилармонлик боис мамлакат иқтисодида ҳам мислсиз

ўзгаришлар кузатишмоқда. Маҳалла бугун ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурган. Шу боис ҳудудларимизда унинг арашуви билан куплаб муаммолар жойида ва самарали ҳал этилаётгани қувонарли.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар қатори кишлоқ жойларидаги йўл-коммуникация тармоқларини кенгайтириш, таъмирлаш ва янгидан барпо этишдек эзгуликлар ҳам ўрин олган. Шаҳарчада ушбу хайри ишлар кетма-кет ва изчил амалга ошириляётир. Жумладан, шаҳар ва шаҳарча оралигидаги йўл, ички кўчалар асфальтланди. Ҳомийлар, маҳалла тадбиркорлари ҳам бу хайрли ишга бош қўшди. Ўтказилган даракт, гул кўчатлари равон ва кўркам кўчаларга зеб берди.

Шароф МАЪРУФОВ, Сўлим шаҳарча фуқаролар йиғини фаоли.

Бунёдкорлик

ЯРАТИШ ВА ЯШНАТИШ ИШҚИДА



ЎЗА сурати.

Қоракўл туманидаги 33 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда бир юз эллик минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Кишлоқ жойларда уй-жой қуришиш куламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича 2010-2012 йилларда Сайёт ва Қоракўл кишлоғи ҳамда «Чекирчи» ва «Хўжалар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудларида 95 та намунавий уй барпо этилди.

Халқ таълими тизимида ҳам қурилиш, реконструкция ишлари белгиланган дастур асосида олиб борилмоқда. 6-умумтаълим

мактаби учун 180 ўринли, 51-умумтаълим мактаби учун 96 ўринли ўқув биноси бунёд этиляпти. Бухоро давлат университетининг тумандаги академик лицейи 160 ўринли янги ошхонага, 52-умумтаълим мактаб-интернати 50 ўринли ётоқхонага эга бўлади. Яратилаётган бу каби шароитлар ёшлар таълим-тарбияси учун давлатимиз томонидан курсатилган катта гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Туман марказий шифохонаси Қоракўл шаҳрининг бир чеккасида, кўп тармоқли поликлиника эса иккинчи томонида жойлашган эди. Обод турмуш йилида бир миллион 365 миллион сўм маблағ эвазига янги бино қурилгач, поликлиника ҳам яхлит мажмуага қўшилди. Бир навбатда 250 киши қатновига мўлжалланган бу масканда аҳолига энг замонавий тиббий асбоб ва ускуналар ёрдамида ташхис қўйилмоқда. Ҳозир марказий шифохонада яна туртга даволаш корпусини таъмирлаш учун давом этаётган юмушларига бир ярим миллион сўм маблағ ажратилган.

Ушбу бунёдкорлик ишлари, албатта, юрт ободлиги учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардан биридир.

Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

ҲАР БИР ФАОЛ МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТАДИ



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Маҳалламиз шаҳар марказига яқин жойлашгани боис аҳоли билан ишлаш, йиғинда осойишталикни сақлаш кишидан катта масъулият талаб этади.

Йигирма иккита кўпқаватли уй, 2,5 минг нафардан зиёд аҳолини ўзида жамлаган Мирзо Улуғбек туманидаги «Оқибат» маҳалла фуқаролар йиғинига раис этиб сайланганимга кўп бўлмасда, одамлар билан мулоқот жараёнида бирор-бир муаммо юзага келганини эслолмайман. Чунки инсон учун ўзи тугилиб ўсган ёки истиқомат қилаётган ҳудуд одамларининг бегонаси бўлмайди.

Муваффақиятларнинг калити — ишни тизимли олиб боришда, деб ўйлайман. Йиғинимизда ҳар бир фаол ўз вазифасига масъулият билан ёндашади. Барча ўз бурчини сизқидилдан бажаргани боис тушунувчиларига юзга келмайдми. Йиғинимиз «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг туман бошқичида голибликни қўлга киритиши-

да бош омил ҳам ана шу уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик бўлди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг дастлабки кунларида йиғинимизда ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолиятининг юқори баҳолангани барча маҳалла фаолларини қувонтирди. Университет раҳбари Муҳаммаджон Юсупов бошчилигидаги Нафиса Саматова, Наримон Жалолов, Хотира Раҳматуллаева каби зиёли, ибратли нурунийларимиз оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириб, ота-оналарнинг ёш авлодини тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ах-

лоқий ва физиологик билимларини ошириб келмоқда.

Ҳудудда оила ҳуқуқи ва бошқаруви, маънавий-ахлоқий тарбия каби мавзуларда куплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Аъзолар томонидан аҳолининг бу борадаги билим ва кўникмалари мунтазам ўрганилиб, сўровлар олинаятир.

Йиғинда фаолият олиб бораётган «Маслаҳат маркази»да ишбилармонларга тадбиркорлик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёз ва преференциялар, шунингдек, бандликни таъминлаш масалаларида тушунтиришлар берилмоқда. Унга маҳалламизда истиқомат қиладиган, ҳуқуқшунослик соҳасида етарлича билим ва малакага эга профессор-ўқитувчиларни жалб этганимиз. Ташкил этилганга кўп вақт бўлмасда, анчагина фуқароларга ёрдами юзаётган марказ фаолиятдан маҳалла аҳли мамнун.

Аҳамият берилса, «Оқибат»даги деярли барча кўпқаватли уйлар «Қурувчи», «Архитектор», «Бастакор», «Ёзувчилар», «Театр актёрлари» уйи каби соҳа эгалари номи билан аталиб, уларда асосан, мазкур соҳа ходимлари, зиёлилар истиқомат қилишади.

«От зинни той босар», деганларидек, ёшлар ҳам катталар йўлидан бориб, илму маърифат этагини туттишган. Ўтган йили ҳудудимиздаги коллеж битирувчиларининг барчаси олий ўқув юртлари талабалари сафига кирди. Жорий йил-

да ҳам 13 нафар коллежни тамомлаган ёш турли олийгоҳларга ўқишга кириш учун тест синовлари топириди.

Маҳалламизда нотинч оилалар, диний оқимларга мойиллик, жиноятчилик, эрта туғуруқ ҳолатларининг кузатилагани, аҳоли бандлигининг тула таъминлангани кишини қувонтиради. Бунинг учун ортиқча уринишга ҳожат йўқ, кундалик иш тартибига риоя қилинса кифоя. Чунки унда аҳоли ва маҳалла манфаатлари мавжуд қонунлар доирасида атрофчида белгилаб қўйилган. Шу боис ҳар куни эрталаб ҳудуд профилактика нозирлари Адишер Исмоилов, Нуриддин Уринбоев, «Маҳалла посбони» жамоагчилик тузилмаси сардори Комилжон Аҳмедов билан кунлик режа хусусида суҳбатлашиб оламиз. Кечга яқин эса, уларнинг қандай ечим тошгани юзадан муҳокама уюштирамиз.

Ҳар қандай фаолиятда бажариладиган юмушлар, режа ва мақсадлар муайин йўналишларда, тизим асосида йўлга қўйилар экан, у, албатта, самара беради. Маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳам фаоллар зиммасидаги вазифалар ижросини назоратга олиб, ишни яхши бошқара олса, ҳар бир йиғин намунали масканга айланади, албатта.

Муяссар ЙУДДОШЕВА, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Оқибат» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»

ЯШИЛ МАЙДОНЛАРДА ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ СИНОВИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Мазкур жамоа жорий йилда 11-12 ёшли болалар уртасидаги беллашуларнинг ҳал қилувчи финал баҳсларига йўланма олди.

очколар ҳисобида доғда қолдиришга муваффақ бўлдилар.

тиб қўйишмади. Қолган дақиқаларда нафақат ҳисобни тенглаштиришди, балки галабани ўз томонларига оғдиришнинг урғисидан чиқди.

рон авлод вакилларининг жисмонан ва маънан баркамол инсон бўлиб улғайишига кўмаклашишди.

— Ёшларимиз орасида футболга ихлосмандлар кўп, — дейди йилнинг раиси Ҳакимжон Умиров.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла ёшлари эришадиган муваффақиятлар тасодиф эмас.

«Футболимиз келажаги»нинг ёш футболчиларга техник ва тактик маҳоратларини ошириш имкониятини бераётган кувонардир.

«Футболимиз келажаги»нинг ёш футболчиларга техник ва тактик маҳоратларини ошириш имкониятини бераётган кувонардир.

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

ДУҒОНАЛАР КУРАШДА ҲАМ ГОЛИБ КЕЛМОҚДА



ЎЗА СУРАТИ.

Зарнигор Нурматова билан Мафтуна Аҳмаджонова Наманган туманидаги «Қоратеп» маҳалласида иштирок қилишди.

Мана бир неча йилдирки, спорт дўгоналар уртасидаги мусобақаларни янада мустаҳкамламоқда.

Наманган шаҳридаги муҳташам «Баркамол авлод» спорт мажмуасида ташкил этилган «Маҳалламиз паҳлавонлари»нинг вилоят босқичи баҳслари мurosасиз ва ҳаяжонли кураш усулларига бой ўтганиги билан кўпчиликлари катта таассурот қолдирди.

— Бу йилги турнирнинг шаҳар ва туман босқичларида 777 та фуқаролар йиғинлари қатнашган бўлса, умумий иштирокчилар сони 13 мингга етди ва кувонараси, уларнинг уч ярим миндан зиёди қизлардир.

— Бу йилги турнирнинг шаҳар ва туман босқичларида 777 та фуқаролар йиғинлари қатнашган бўлса, умумий иштирокчилар сони 13 мингга етди ва кувонараси, уларнинг уч ярим миндан зиёди қизлардир.

— Бу йилги турнирнинг шаҳар ва туман босқичларида 777 та фуқаролар йиғинлари қатнашган бўлса, умумий иштирокчилар сони 13 мингга етди ва кувонараси, уларнинг уч ярим миндан зиёди қизлардир.

— Бу йилги турнирнинг шаҳар ва туман босқичларида 777 та фуқаролар йиғинлари қатнашган бўлса, умумий иштирокчилар сони 13 мингга етди ва кувонараси, уларнинг уч ярим миндан зиёди қизлардир.

— Бу йилги турнирнинг шаҳар ва туман босқичларида 777 та фуқаролар йиғинлари қатнашган бўлса, умумий иштирокчилар сони 13 мингга етди ва кувонараси, уларнинг уч ярим миндан зиёди қизлардир.



Сув тошқини

Афғонистонда кучли ёгингарчилик оқибатида сув тошқинлари рўй берди.

Афғонистоннинг Қобул шаҳри шимолида дўл аралаш ёққан жала ҳудудда кучли сув тошқинини келтириб чиқарган, натижада 22 нафар киши ҳалок бўлган.

қўплаб уй-жойларни вайрон қилган ҳамда қишлоқ ҳўжалик экинларига зарар етказган.

Мамлакат номи ўзгаради-ми?!

Руминияда мамлакат номини ўзгартириш учун имзолар тушланмоқда.

Ушбу ташаббус муалифлари уларни рома ёки римлик циганлар билан боғлашларини исташмапти.

номланган ва бутун айнан шу ҳудудда Руминия жойлашган.

Қарздорлик рекорд даражада

Япониянинг давлат қарзи рекорд кўрсаткичга етди.



Зидзила ва цунами оқибатларини бартараф этиш учун мамлакат бир квадриллион иена (10,3 триллион доллардан зиёд) қарздор бўлган.

аҳоли бошига 7,92 миллион иенани (82 минг доллар) ташкил этган.

Интернет маълумотлари асосида Нилуфар ЮНУСОВА тайёрлади.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

Газетанинг навбатдаги сони 21 август, чоршанба кўни чиқади.

ХАЛҚ САЙЛИ

Миллий қадриятлар — миллат ўзлиги



ЎЗА СУРАТИ.

Бахмал туманидаги «Новқа» маҳалласида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган «Миллий қадриятлар — миллат ўзлиги» мавзусида халқ сайли бўлиб ўтди.

Халқ сайли доирасида ташкил этилган китоблар кўргазмаси ва савдоси, миллий таом ва ҳўнармандчилик буюмлари,

«Ўзбекистон — Ватаним маним!» мавзусидаги расмлар кўргазмаси таъдбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

— Ушбу халқ сайли мустақиллигимизни туғайли тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган улутвор ишларни яна бир бор намоён этди.

— Ушбу халқ сайли мустақиллигимизни туғайли тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган улутвор ишларни яна бир бор намоён этди.

— Ушбу халқ сайли мустақиллигимизни туғайли тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган улутвор ишларни яна бир бор намоён этди.

— Ушбу халқ сайли мустақиллигимизни туғайли тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган улутвор ишларни яна бир бор намоён этди.

— Ушбу халқ сайли мустақиллигимизни туғайли тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган улутвор ишларни яна бир бор намоён этди.

— Ушбу халқ сайли мустақиллигимизни туғайли тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган улутвор ишларни яна бир бор намоён этди.

— Ушбу халқ сайли мустақиллигимизни туғайли тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган улутвор ишларни яна бир бор намоён этди.

— Ушбу халқ сайли мустақиллигимизни туғайли тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган улутвор ишларни яна бир бор намоён этди.

— Ушбу халқ сайли мустақиллигимизни туғайли тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган улутвор ишларни яна бир бор намоён этди.

— Ушбу халқ сайли мустақиллигимизни туғайли тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган улутвор ишларни яна бир бор намоён этди.

— Ушбу халқ сайли мустақиллигимизни туғайли тарихий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган улутвор ишларни яна бир бор намоён этди.

тайёргарлик машғулотида иштирок этишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла ёшлари эришадиган муваффақиятлар тасодиф эмас.

«Футболимиз келажаги»нинг ёш футболчиларга техник ва тактик маҳоратларини ошириш имкониятини бераётган кувонардир.

«Футболимиз келажаги»нинг ёш футболчиларга техник ва тактик маҳоратларини ошириш имкониятини бераётган кувонардир.

Элбек ЖУМАНОВ «Mahalla»

СПОРТ

Полвонларимиз — Осиё чемпиони!

Хитой Тайпейда кураш бўйича усмирлар ва ёшлар уртасида ўтказилган Осиё чемпионатида уч нафар полвонимиз олтин медални қўлга киритди.

Йигирмадан зиёд давлатдан келган иқтидорли ёш полвонлар узаро куч синашди.

Вазни 65 килограммгача булган

Вазни 65 килограммгача булган